

# ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ЁШ КЕЛИН-КУЁВ ШАХСИНING ХАРАКТЕРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ХУЛҚ- АТВОРНИING ЭМПИРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Алимарданова Раъно Нарбаевна, Термиз давлат педагогика  
институту

email: rano2@terdupi.uz

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек оилаларида ёш келин-куёвлар шахсининг характерологик хусусиятларини ифодаловчи хулқ-атворнинг эмпирик кўрсаткичлари асосида, ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** ёш оила, ёш келин-куёвлар, оилавий ҳаёт, ўзаро муносабатлар, кадриятлар, ижтимоий роллар.

Ёш оиладаги шахслараро муносабатларда ўзига хосликка асосланган кадриятли-меъерий тенгликни таъминлаш учун ҳам келин-куёвга хос хулқ-атвор ифодаси таҳлилини ёритиб ўтиш уринлидир. Оила ҳаёти ва турмушида шахслараро муносабатларга хос кадриятли меъёрларга амал қилиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланса-да, аммо оила аъзоларининг «Мен» билан «биз» ўртасидаги меъерий муносабатларида уйғунлик ва изчиллик шаклланмаслиги, шахсларнинг идентификациялашуви ва ижтимоийлашувининг меъерида бўлмаслиги анча аянчли ҳолатлар юз беришига олиб келади.

Тадқиқот мақсадига мувофиқ оилада ижтимоий ролларни реал ва идеал «Мен»нинг рефлексивлик жиҳатини альтруизм (раҳмдиллик-беғаразлик) мотивларини ривожлантириш орқали кучайтириши натижасида оилаларда соғлом муҳитни барқарорлаштириш, яхшилаш асносида ўтказган тадқиқотни намоеън этиш учун қуйидаги натижаларимизни келтирамиз. Бунинг учун биз респондентларимизда Т.Лирининг шахс психологик қиёфасини ўрганиш методикасини қўллашни ва ундан олинган натижаларга психологик шарҳ беришни лозим топдик. (Натижалар 1-жадвалда ўз ифодасини топган.)

**жадвал 1.**

**Т.Лири методикаси ёрдамида шахснинг характерологик  
хусусиятларини (психологик қиёфасини) ўрганиш.**

Оқтантлар	Муносабатлар	Кўрсаткичлар балл ҳисобида		t (Студент мезони қиймати)	p қийма ти
		Эр	Хотин		
		$M \pm m_2$	$M \pm m_2$		

<b>«Реал Мен» бўйича</b>					
<b>I</b>	Лидерликка мойиллик-хукмронлик, зулмкор	9,06±0,70	8,35±0,52	t=2,74	p≤0,01
<b>II</b>	Ўзига ишонч – ўзини яхши кўриш	8,64±0,42	8,15±0,35	t=1,56	p>0,05
<b>III</b>	Талабчанлик – мурасасиз, шафқатсиз	10,27±0,25	7,54±0,52	t=3,30	p≤0,01 1
<b>IV</b>	Ишончсизлик – қайсар-салбийлик	6,43±0,32	7,50±0,46	t=1,10	p≤0,05
<b>V</b>	Ён беришлик – пассив бўйсунувчанлик	4,65±0,32	6,55±0,48	t=2,00	p≤0,01
<b>VI</b>	Ишонувчанлик – итоаткорлик-тобелик	8,32±0,78	8,20±0,56	t=2,77	p≤0,01
<b>VII</b>	Кўнгилчанлик – мустақил эмас, ҳаддан ташқари ён берувчан	3,70±0,26	5,94±0,28	t=2,25	p≤0,01
<b>VIII</b>	Раҳмдиллик – беғаразлик-фидокорлик	4,55±0,28	4,50±0,25	t=2,02	p>0,05
<b>«Идеал Мен» бўйича</b>					
<b>I</b>	Лидерликка мойиллик-хукмронлик, зулмкор	11,05±0,65	10,15±0,50	t=1,98	p≤0,01
<b>II</b>	Ўзига ишонч – ўзини яхши кўриш	10,75±0,48	9,80±0,50	t=2,23	p>0,05
<b>III</b>	Талабчанлик – мурасасиз, шафқатсиз	11,55±0,60	6,42±0,57	t=3,20	p≤0,01
<b>IV</b>	Ишончсизлик – қайсар-салбийлик	8,25±0,78	6,45±0,35	t=2,40	p≤0,01
<b>V</b>	Ён беришлик – пассив бўйсунувчанлик	7,32±0,54	7,62±0,73	t=3,13	p≤0,01
<b>VI</b>	Ишонувчанлик – итоаткорлик-тобелик	9,71±0,71	6,19±0,43	t=2,24	p≤0,01
<b>VII</b>	Кўнгилчанлик – мустақил эмас, ҳаддан ташқари ён берувчан	4,45±0,32	5,25±0,32	t=2,37	p≤0,01
<b>VIII</b>	Раҳмдиллик – беғаразлик-фидокорлик	6,62±0,36	6,62±0,42	t=1,54	p>0,05

Ушбу методика натижаларини психологик таҳлил қилишда оила аъзоларидан, яъни ёш эр-хотин томонидан қуйидагича тасдиғини топди.

Тадқиқот натижаларига кўра, лидерлик октантаси бўйича ёш эр-хотинларнинг «Реал Мен» доирасида аҳамиятли фарқ ( $t=2,74$ ;  $p\leq 0,01$ ) кузатилди. Мазкур ҳолат куёвларда лидерликка мойилликнинг юқорилигидан далолат бермоқда. Оилада эркакларнинг доминантлиги миллий этник хусусият ҳисобланади, чунки ўғил болаларга ёшлигиданоқ «сен оила бошлиғисан, оиланинг устунисан» кабилидаги установкалар билан тарбияланади. Қизлар эса кўпроқ итоаткор шаклдаги хулқ эгаси сифатида тарбияланади. Ҳудди шу мезон бўйича респондентларнинг «Идеал мен» даги тасаввурлари ҳам аниқланди ва қиёсий таҳлил қилинди. Факт бунда аёллар идеал эр, эркаклар идеал аёл ҳақидаги тасаввурлари аниқланди. Мазкур ҳолатда ҳам аҳамиятли фарқлар кузатилди ( $t=1,98$ ;  $p\leq 0,01$ ). «Идеал мен» кўрсаткичлари бўйича тасаввур образлари «Реал мен» позициясига караганда, анча юқори кўринишда ифодаланди. Мазкур ҳолат ҳар икки жинс вакилининг оилавий муносабатларни бошқариш, оиланинг функцияларини бажарилишини назорат қилиш истағини юқорилигини англатади.

Шахслараро муносабатларда шахснинг «Идеал мен»и билан «Реал мен»и орасида катта фарқ кузатилмаса, шахсда ички гармония кузатилади. Шунини ҳисобга олган ҳолда респондентларимизнинг натижаларида ёш эр-хотинларнинг «Идеал» позицияларида янада лидерликка интилиш лозимлигини кўрсатмоқдалар. Бизга маълумки, ички низолар шахслараро муносабатлардаги ташқи низоларни юзага келишига сабаб бўлмай қолмайди.

Навбатдаги октанта ўзини яхши кўриш - ўзига ишонч октантасидир. Мазкур октантанинг натижаларига кўра аҳамиятли фарқ кузатилмади. Мазкур ҳолат аёллар ва эркаклардаги ўзига ишонч, ўз-ўзига адекват баҳо бериш ҳолатини кузатилаётганлигидан далолат беради. Қолаверса, респондентларимизнинг «Идеал мен»лари билан орасида ҳам аҳамиятли фарқ кузатилмаганлиги, шахсларнинг ўзини ва жуфтини қабул қилишидан далолат беради. Ёш келин-куёвларнинг бир-бирини мустақил, ўз қарорларига ўзи жавоб берадиган, шахсий мени дахлсиз инсон сифатида қабул қилишлари кузатилмоқди. «Реал» ва «Идел» менда тафовутларни кузатилмасли уларнинг ўзини ва ўзгаларни борича қабул қилишлари, оилавий ролларга нисбатан масъулият билан ёндашишларини англатади.

Навбатдаги октанта талабчанлик-муросасизлик-шафқатсизлик бўлиб, эр ва хотинларнинг «Реал мен» ( $t=3,30$ ;  $p\leq 0,00$ ), «Идеал мен» ( $t=3,20$ ;  $p\leq 0,001$ ) бўйича натижалари орасида аҳамиятли фарқ кузатилган. Мазкур ҳолатда эркакларнинг ўта талабчанлиги кузатилмоқда. Энг қизиғи эркаклар

хам ўзини ва уларнинг аёллари ҳам эрларини ўта талабчан деб баҳоламоқдалар. Эркак киши оиладаги барча вазифаларни бажарилишига нисбатан ўз жуфтига талабчан бўлиши, бевосита унинг оилада лидерлигидан ҳам далолат беради. Натижаларни таҳлиliga мувофиқ, оилавий муноабатларда ўта қаттиққўлик айрим ҳолатларда низолаарга сабаб бўлиши далилланмоқда.

Навбатдаги октанта «ишончсизлик, қайсарлик» жуфтига, оила аъзоларига шубҳа билан қараш жараёнларида ифодаланади. Бу тенденциянинг меъёрдан юқори натижалари шубҳа, рашк кўринишларида намоён бўлади.

«Ишончсизлик – қайсарлик» октантаси бўйича ёш эр-хотинларнинг «Реал Мен» доирасида аҳамиятли фарқ ( $t=1,10$ ,  $p\leq 0,05$ ) кузатилди. Ушбу ҳолат келинларда ишончсизлик хусусияти юқорилигини кўрсатди. Бу эса ўз ўрнида келин ўз жуфтига нисбатан рашкчи эканлиги билан белгиланади. Ушбу мезон бўйича синалувчиларнинг «Идел мен»идаги тасаввурлари ҳам аниқланди. ва қиёсий таҳлил қилинди. Мазкур ҳолатда ҳам аҳамиятли фарқ кузатилди ( $t=2,40$ ,  $p\leq 0,01$ ) «Идел мен» кўрсаткичлари бўйича тасаввурлар образи «реал Мен» позициясига қараганда, куёвларда юқори кўринишда ифодаланди. Куёвнинг тасаввур образида келинни ўзга нигоҳлардан қизғаниш, ор-номусли бўлиш истаги юқорилигини англатади.

Бу борада шуни айтиш жоизки, тадқиқотимизни объекти никоҳдан кейин беш йилча бўлган ёш келин-куёвлар эканлигини инобатга олиб, бу даврда икки ёш ҳали бир-бири учун қизиқ ва севимли бўлиши ушбу натижани нормал эканлигини англатади. Келин-куёвларнинг «Идеал мен» да ҳам аҳамиятли фарқнинг кузатилганлиги, куёвни уй-рўзғор ишларига, оиладаги тартиб қоидаги эътиборли бўлишлик истагини юқорилигини билдиради.

Фойдаланган методикамизнинг кейинги «Ишонувчанлик-итоаткорлик-тобелик» октанти бўйича «Реал мен» доирасидаги олинган натижаларда ҳам аҳамиятли фарқ ( $t=2,77$ ,  $p\leq 0,01$ ).кузатилди. Шу билан бирга «Реал мен» ва «Идеал мен» орасида ҳам фарқ ( $t=2,24$ ,  $p\leq 0,01$ ) кузатилган. «Реал мен» бўйича куёвларда оиласига нисбатан ишонч ҳиссини яхши шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Келинларимизда эса оилада реал позициясига қараб итоатли бўлишдек фазилатларни ўзларида яхши сингдира олганини гувоҳи бўлдик. «Идел мен» бўйича куёвларнинг тасаввурида улар ҳар қандай ҳолатда ўз жуфтини тўғри тушуниш кераклиги, уларга ён босиши ижобий натижа бериши, жуфтларига итоатли бўлишдек фазилатларни намоён бўлиш истаги юқорилиги билан ифодаланди. Келинларимизда бу

натижа уларни ўртача итоатли бўлиш керак, учрайдиган ҳодисаларга ҳар доим ҳам ён босиб кетавериш яхшиликка олиб келмаслиги мумкин деган тасаввурларни борлигидан далолат беради.

Навбатдаги октант «кўнгилчанлик-мустақил эмас, ҳаддан ташқари ён берувчан» бўйича ёш эр-хотинларнинг «Реал мен» доирасида ҳам аҳамиятли фарқ ( $t=2,37$ ,  $p\leq 0,01$ ) борлигини кўрсатди. Биз олинган натижаларга асосланиб эрларда кўнгилчанлик, ҳар қандай ҳолатда энг қулай ечимни топиб ҳаракатланиш, айрим ҳолларда ён босиш-маъқуллаш каби фазилатларни реал ҳаётда паст кўрсаткичга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Келинларимизда юқоридаги фазилатлар ўртача шаклланган. «Идеал мен» бўйича олинган натижаларда ҳам аҳамиятли фарқ ( $t=2,37$ ,  $p\leq 0,01$ ) кузатилди. Келинларнинг ушбу октант бўйича реал қарашлари ва идеал тасаввурларида фарқ сезилмайди яъни уларда ҳам муҳим вазиятларда мустақил фикрлаб, ҳар қандай вазиятни юмшатишга, одилна фикрлаб муаммоларни бартараф этишга бўлган «Реал» ҳаракатлари ҳамда «Идеал» тасаввурлари ўрта даражада ривожланган. Келинлар бирор масъулиятли ишларда жонбозлик кўрсатавермаслик истагини мавжудлигини кўрсатдилар.

Мазкур ҳолатда эркакларда ҳам аёлларда ҳам ўзларининг реал ва идеал позициясида бироз фарқ борлигини кўришимиз мумкин. Яъни эрларнинг «Реал мен»и бўйича олинган натижалардан раҳмдиллик, айрим ҳолларда оиладаги вазиятларни фақат ижобий тарафларни кўра билиш ўртача натижани берган бўлса, «Идеал мен»и бўйича олинган натижаларда бу кўрсаткич юқорироқ эканлигини кўришимиз мумкин. Бундан ўзбек эркакларида этник хусусиятларимизга хос бўлган «мардлик», «фидокорлик» яхши шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Хотинларда реал ҳаётда фидокорлик, беғаразлик ўртача кўрсаткични эгаллаган бўлсада, идеал тасаввурларида раҳмдил, жонфидо деб ўзларини юқори баҳолайдилар.

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотларга биноан, ёш келин-куёвларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги ижтимоий тасаввурларига эмпатиявий ўзаро таъсир ҳиссини сингдирилиши ижтимоий ролларни реал ва идеал «Мен» концепциясининг рефлексив хусусияти орқали таъсири жиҳати альтруизм (раҳмдиллик-беғаразлик) мотивларини ривожлантириш орқали оиладаги соғлом психологик муносабатларни ўрнатишнинг ижтимоий-этник асоси эканлиги далилланган. Чунки, оила аъзоларидаги ўзаро эмпатия ҳиссининг юқорилиги, уларнинг эголари орасидаги ички ва ташқи низоларни олдини олиш имконини беради. Диссертация тадқиқот натижаларимиз асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришимиз мумкин:

1. Ёш келин-куёвларнинг психологик соғлом оилавий муҳитни таъминлашда уларнинг ижтимоий тасаввурларининг таъсири кучли бўлиб, ахлоқий-когнитив, аффектив-хиисий омилларнинг таъсири доминант характерга эга.

2. Ёш келин-куёвларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги ижтимоий тасаввурларига эмпатиявий ўзаро таъсир ҳиссини сингдирилиши ижтимоий ролларни реал ва идеал «Мен»нинг рефлексивлик жиҳатини альтруизм (рахмдиллик-беғаразлик) мотивларини ривожлантириш орқали кучайтириши натижасида оиладаги соғлом психологик муносабатларни ўрнатишнинг ижтимоий-этник асоси эканлиги кузатилган.

Оиланинг психологик мустаҳкамлиги, унинг барқарорлигида ёш келин-куёвлардан ташқари уларнинг атрофидаги шахслар ҳам ўзига яраша таъсир кучига эга. Шу боисдан, оилада асосий прототип вазифасини бажарувчи қайноналарнинг оила мустаҳкамлигига таъсирни ўргандик. Бунда ўзбек оилаларидаги «қайнона-келин» муносабатларига келиннинг психологик кутувларини бевосита таъсири тадқиқ этилди.

Миллий хусусиятларимизга кўра, «қайнона» ўзининг ҳаёт тажрибаси ва муомала-одоб меъёрларини анча шакллантирган ҳамда ижтимоий позицияга эга шахс сифатида оилавий муносабатларда фаол иштирок этдилар. Қайнонани аслида оилавий муносабатларни ёки эр-хотин (ўғил билан келин) муносабатларини мувозанатлаштириб турувчи, тартибга солувчи, йўл кўрсатувчи сифатида қараш ўринлидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Р.Алимардонова. Ёш келин-куёв уртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий- этник асослари мавзусидаги психология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси 2022 йил
- 2.О.Эшмуродов. Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омиллари мавзусидаги психология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси 2022 йил
- 3.Р.Алимардонова. ПРОБЛЕМА ПОДДЕРЖАНИЯ ЗДОРОВЫХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ МОЛОДОЖЁНАМИ В СЕМЬЕ. ВЕСТНИК ИНТЕГРАТИВНОЙ ПСИХОЛОГИИ 2020 Выпуск 20 10-12 с
4. Нарбашева, М. А.(2021). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ОИЛА ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИНИ ЎРГАНИШ. Педагогика ва психологияда инновациялар. (6), 94-101
5. Eshmurodov, O. (2022). ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ . Журнал

- Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7431>
6. Narbasheva, M. A. (2021). The importance of pedagogical and psychological literacy of parents in preparing children for school education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(1), 728-732.
7. Eshmurodov, O. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ . Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7449>
8. Norbosheva, M. (2022). О ТЕХНИКЕ НАЧАЛА РАЗГОВОРА С КЛИЕНТОМ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОМ КОНСУЛЬТИРОВАНИИ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7456>
9. Axmedov, V. (2022). МУҲАББАТ ҲИСЛАРИ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ГЕНДР ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7457>
10. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, (3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
11. Majidov, J. (2021). ЁШЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАН ҚОНИҚИШ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 1(1).
12. Жасур, М. (2022). ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Involta Scientific Journal*, 1(6), 69-77.
13. Мажидов Жасур, & Ҳамдамов Ҳайдарбек. (2022). ШАХСГА СТРУКТУРАВИЙ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Involta Scientific Journal*, 1(7), 138–148. Retrieved from <https://involta.uz/index.php/iv/article/view/255>
14. Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).
15. Ҳайдарбек Ҳамдамов. (2022). ХУШҲОЛЛИКНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР. *EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH*, 2(12), 533–538. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7337673>